

426 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَوْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا - شَكََّ الرَّأْيِي، وَلَا يَضُرُّ الشَّكَّ فِي عَيْنِ الصَّحَابِيِّ؛ لِأَنَّهُمْ كُلُّهُمْ عُدُولٌ - قَالَ: لَمَّا كَانَ يَوْمَ غَزْوَةِ تَبُوكَ، أَصَابَ النَّاسَ جَمَاعَةٌ، فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ لَوْ أَذْنَتَ لَنَا فَتَحَرْنَا تَوَاضِحَنَا، فَأَكَلْنَا وَادَّهَنَّا؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «افْعَلُوا» فَجَاءَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ إِنْ فَعَلْتَ قَلَّ الظَّهْرُ، وَلَكِنْ ادْعُهُمْ بِفَضْلِ أَرْوَادِهِمْ، ثُمَّ ادْعُ اللَّهُ لَهُمْ عَلَيْهَا بِالْبَرَكَةِ لَعَلَّ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَ فِي ذَلِكَ الْبَرَكَةَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَعَمَّ» فَدَعَا بِنَطْعٍ قَبَسَطُهُ، ثُمَّ دَعَا بِفَضْلِ أَرْوَادِهِمْ، فَجَعَلَ الرَّجُلُ يَجِيءُ بِكَفِّ دُرَّةٍ وَيَجِيءُ الرَّجُلُ بِكَفِّ تَمْرٍ، وَيَجِيءُ الْآخَرُ بِكِسْرَةٍ حَتَّى اجْتَمَعَ عَلَى النَّطْعِ مِنْ ذَلِكَ شَيْءٌ يَسِيرٌ، فَدَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْبَرَكَةِ، ثُمَّ قَالَ: «حُدُوا فِي أَوْعِيَّتِكُمْ»، فَأَخَذُوا فِي أَوْعِيَّتِهِمْ حَتَّى مَا تَكُونُوا فِي الْعَسْكَرِ وَعَاءً إِلَّا مَلْؤُوهُ، وَأَكَلُوا حَتَّى شَبِعُوا وَفَضَلَ فَضْلُهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّي رَسُولُ اللَّهِ، لَا يَلْقَى اللَّهُ بِهَمَّا عَبْدٌ غَيْرَ شَاكٍّ، فَيُخَجَبَ عَنِ الْجَنَّةِ» رَوَاهُ مُسْلِمٌ [27/45].

426. Абу Ҳурайра розияллоху анху ёки Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхундан ривоят қилинади:

(Ровий шак қилди. Лекин саҳобалар наздидаги шакнинг зарари йўқ. Чунки уларнинг барчалари одилдир.)

«Табук ғазотида одамлар оч қолиб кетишди. «Эй Аллоҳнинг Расули, изн берсангиз, сувчи туяларимизни сўйиб еб, ёғини ғамлаб олсак», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Майли**», дедилар. Шу пайт Умар келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, агар бунга рухсат берсангиз, улов камайиб кетади. Қолган егуликни опкелтириб, барака тилаб, Аллоҳга дуо қилинг,

шояд, Аллоҳ барака берса», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Хўп**», дедилар ва бир чарм тўшама опкелтириб, ёздилар. Сўнгра қолган егуликларни опкелтирдилар. Биров бир ҳовуч жўхори, бошқа киши бир ҳовуч хурмо, яна бошқаси бир бурда қотган нон олиб келди. Ҳалиги тўшамада шулардан иборат озгина егулик тўпланди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга барака тилаб дуо қилдилар. Кейин: «**Идишларингизга солинглар**», дедилар. Улар идишларига солишди, ҳатто қўшинда тўлмаган бирорта идиш қолмади. Тўйгунча ейишди, озгина ортиб ҳам қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва мен Аллоҳнинг Расулиман. Банда Аллоҳга мана шу икки нарсага шак қилмаган ҳолда йўлиқса, жаннатдан тўсилмайди**», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

- Бошлиқ маъракада қўшинлар билан бирга юриши. Бундай қилиши уларга қувват ва сабот улашади.

- Саҳобаларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан одоблари. Улар яхши кўрган ишларида у зотдан изн сўрашар эди. Демак жамоа бошлиқни изнисиз тасарруф қилмаслиги. Акс ҳолда бу нарса зарар олиб келади.

- Умар розияллоҳу анҳунинг ўткир фикрли, гўзал тадбирли ва чуқур билимли эканлари.

- Салаф солиҳларнинг ҳаётлари маслаҳат ва машварат устига қурилгани, Аллоҳ уларни энг тўғри ишларга ҳидоят қилгани.

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар розияллоҳу анҳуга нисбатан тавозуъ қилганлари. Чунки Умар розияллоҳу анҳунинг фикрларида умум манфаат бўлган.

- Мусулмонлар барча ишларида ўзаро ёрдам қўлини чўзишлари. Мана саҳобалар авлоди ўзларидаги ортиқча нарсаларни олиб келиб, эҳсон қилишди.

Биров бир ҳовуч жўхори, бошқа киши бир ҳовуч хурмо, яна бошқаси бир бурда қотган нон олиб келди.

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда мўъжиза содир бўлгани исботлангани. Овқат кўпайиши у зотда бир неча марта содир бўлган.

- Тавҳид калимасининг фазилати. Модомики тавҳид соҳиби шак қилмас экан

у жаннат калити экани.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI